2007 ЙИЛ, 25 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (10.908)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келиши давом этмокда.**

**• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Беларусь Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Андрей Кобяков раҳбарлигидаги делегация аъзолари қатор компания ва уюшмаларда музокаралар ўтказди.**

**• Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги яна бир нашр — «Инфокоммуникация: Тармоқлар. Технологиялар. Ечимлар» деб номланган илмий-техник журналнинг биринчи сони босмадан чикди. Ушбу нашр ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, почта алоқасини ривожлантириш муаммолари каби масалаларни ёритади.**

**• Кеча Тошкентда иқтисодиётнинг барча тармоқларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

**• Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида Машрабхонлик ҳафтаси ўтказилмокда.**

**• Фарғонада теннис бўйича мукофот жамғармаси 35 минг АҚШ долларига тенг «Челленжер» халқаро турнири давом этмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада дунёнинг ўнта мамлакатидан келган теннис усталари баҳс юритмокда.**

**• Пскент туманидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли «Тонг» оромгоҳида ёз мавсумида болаларни соғломлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.**

**• «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятида Учқулоч ва Хонжизза конларини ўзлаштириш бўйича лойиҳалаш жараёни якунланди. Мазкур лойиҳа ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг 2011 йилгача мўлжалланган махсус дастури доирасида амалга оширилмоқда.**

**• Ғиждувон туманидаги Ғишти қишлоғида маҳаллий тадбиркорлар томонидан бунёд этилган янги савдо марказининг очилиши билан 37 нафар қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди. Ушбу савдо мажмуасидан учта дўкон ва 45 ўринли бозордан ташқари фотосалон, сартарошхона, кимёвий тозалаш нуқтаси, соат ва пойабзалларни таъмирлаш устахоналари ҳам ўрин олган.**

**•Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида аудиторлик фаолияти масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда аудиторлик хизматига қўйилаётган янгича талаблар, соҳа самарадорлигини ошириш йўллари, аудиторлик ташкилотлари ваколатлари, вазифа ва масъулияти ҳақида сўз борди.**

### ЖАҲОНДА

**• Украинадаги сиёсий можаролар ҳамон барҳам топмаяпти. Жумладан, кеча мамлакат Президенти Виктор Ющенко мамлакат бош прокурорини вазифасидан озод қилди.**

**• Куба давлати раҳбари Фидель Кастро узоқ вақтдан буён илк бор ўз соғлиғи ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумот берди. У бир нечта операцияни бошидан ўтказган бўлса-да, ҳозирда соғайиб кетганлигини таъкидлаб ўтди.**

**• Индонезия ғарбида Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллик зилзила қайд этилди. Ер қимирлашидан сўнг мамлакат ҳукумати цунами юзага келиши мумкинлиги тўғрисида аҳолини огоҳлантирган бўлса-да, бироқ тез орада хавф йўқлиги сабабли шошилинч хатти-ҳаракатлар бекор қилинди. Ҳозирча зилзила қурбонлари ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумот йўқ.**

**• Сўнгги қўнғироқ куни арафасида Буюк британиялик ўқувчи қиз Мишель Бурмен бутун дунёдаги ёш илм соҳибларига ўрнак бўла олишини исботлади. Гап шундаки, Бурмен ўн тўрт йиллик ўқиши мобайнида бирон марта ҳам дарс қолдирмаган ва у бу йил мактабни тамомлади.**

**• Греция пойтахти Афина шаҳрида Италиянинг «Милан» ҳамда Англиянинг «Ливерпул» футбол жамоалари ўртасида Осиё чемпионлар лигасининг финал баҳси бўлиб ўтди. Ушбу беллашувда 2:1 ҳисобида «Милан»нинг қўли баланд келди ва Европа чемпионлари кубогини қўлга киритди. Бу «Милан»нинг ушбу нуфузли турнирдаги еттинчи ғалабаси бўлди.**

**• Австралияда қарийб 7 мингта кенгуруни оммавий ўққа тутиш режалаштирилмоқда. Мамлакат мудофаа вазирининг айтишича, ушбу тадбир асосан ўтган йиллар давомида кенгурулар кескин кўпайган Канберра шаҳри атрофида ўтказилади.**

**•Мьянма ҳукумати мамлакатдаги дўконларда, савдо марказларида масофадан пульт ёрдамида бошқариладиган болалар ўйинчоқлари сотилишини тақиқлади. Таъкидланишича, террорчилар бу турдаги ўйинчоқлардан қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланишлари мумкин.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 26 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шаркдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

*Сўнгги қўнғироқ*

**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНИБ СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ ЯНГРАДИ. БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚАЛБЛАРИ ЧЕКСИЗ ҲАЯЖОНГА ТЎЛГАН. ЧУНКИ УЛАР БУГУН ЭНГ АЗИЗ ВА МЕҲРИБОН УСТОЗЛАРИ, СИРДОШ ВА ДИЛДОШ СИНФДОШЛАРИ БИЛАН ХАЙРЛАШИБ, МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИГА ҚАДАМ ТАШЛАШ АРАФАСИДАЛАР.**



## ОЙДИН ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Улар дилларига тугиб қўйган эзгу ниятлари, орзу-мақсадлари томон интилиб, кимдир олий ўқув юртига, кимдир ҳунар эгаллаш учун касб-ҳунар коллежларига ўқишга кириш истагида. Шуни таъкидлаш жоизки, бу йил шаҳримиз мактабларида 11612 нафар ўқувчи 11-синфни, 34975 нафар ўқувчи эса 9-синфни битиришмокда.

Бугун Миробод туманидаги 328-ўрта мактабда ҳам эрта тонгдан тантанали бошланган сўнгги қўнғироқ тадбирида мактабни битирувчи ўқувчилар, ўқитувчилар, Миробод туман халқ таълими бўлими вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда ота- оналар иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчи ёшларга келгусида ўз мақсадларига етиб, ҳар томонлама билимли ва комил инсон сифатида мустақил Ўзбекистонимизга муносиб ўғил-қиз бўлиб етишишларини ният қилиб, уларга оқ йўл тиладилар. Шундан сўнг 9 ва 11-синф битирувчилари сўзга чиқиб қадрдон устозларига бағишланган шеър ва қўшиқларини ижро этиб, даврага янада файз киритишди. Шунингдек устозларига аталган дил сўзлари, миннатдорлик туйғуларини ҳаяжон ила баён этдилар. Тадбирда мактабни намунали хулқ ва аъло баҳоларга битирган ўқувчилар Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

— Бугун ҳаммамиз учун ҳаяжонли ва унутилмас кун бўлди,— дейди 328-мактаб директори Саида Маматқулова. —Ўқувчиларимиз бизга дилбандларимиз каби азиз. Уларни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш асосий бурчимиз. Бу йил мактабимизнинг 11-синфини 68 нафар, 9-синфини эса 119 нафар ёшлар битиришмокда. Мактабимизда кейинги йилларда иқтидорли ўқувчиларимиз сони ошиб бормокда. 2006 — 2007 ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаларида 600 дан ортиқ ўқувчиларимиз қатнашиб, шулардан 27 нафари туман, 8 нафари олимпиаданинг шаҳар босқичида муносиб ўринларни эгаллашди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИ АЪЗОСИ МИР ХАЗАРХОН БИЖАРОНИЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ 24 МАЙ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ.**

Қонунчилик палатаси ва Сенатда ўтган мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларда, жумладан, парламентлараро ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Учрашувларда томонлар Ўзбекистон ва Покистон олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Покистонлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказдилар.

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН ЧЕХИЯ ЭКСПОРТ БАНКИ ЎРТАСИДА ИККИ МАМЛАКАТНИНГ САРМОЯВИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.**

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида амалга ошириладиган сармоявий лойиҳаларни ҳамкорликда молиялаштириш, лойиҳалар экспертизаси ва мониторингини олиб бориш ҳамда қўшма дастурларни қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ушбу янги ҳамкори давлатга қарашли ихтисослаштирилган молия муассасаси бўлиб, асосан, Чехиянинг машинасозлик, нефть-газ, электротехника ва автомобилсозлик саноати маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ҳамда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий корхоналарга узоқ муддатли кредитлар ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2006 йилда ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало, асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатни изчил, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда самарали таркибий ва сармоявий сиёсатни амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон иқтисодиётига қўшимча сармоя жалб қилиш учун хориждаги молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳам жамғарманинг асосий вазифалари сирасига киради.

**(ЎзА)**

## Қисқа сатрларда

• **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Ёшлар ва соғлом турмуш тарзи» деб номланди.

• **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 66-махсус мактабда Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Ёшлар ва маънавият» мавзуида ўтказилган тадбирда тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария эпидемиология назорати марказининг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бош шифокорлари иштирокида уюштирилган тадбирда 2006 йилдан то шу кунгача бажарилган ишлар, келгуси режалар, ёз яқинлашаётганлиги муносабати билан юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш чоралари муҳокама қилинди.

• **ЮНУСОБОД** туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Фан ойлиги» доирасида уюштирилган очиқ дарс ва семинарда математика фани ўқитувчилари иштирок этишди.

• **ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йилига бағишлаб Ўзбекистон телерадиокомпанияси Тошкент телерадиоканали ташаббуси билан ўтказилаётган «Дилбандим» хайрия акциясини қўллаб-қувватлаган Тошкент шаҳар 1-нотариал идораси **КЕЧА** 21-Меҳрибонлик уйига эсдалик совғалари туҳфа этди.

• **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик факультетлари талабаларининг республика фан олимпиадаси ўтказилди.

• **ХАЛҚ** таълими вазирлигига қарашли Республика ўқув методика марказида мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, тарбиячилар иштирокида ўтказилган тадбир «Фаолиятимиз—санъатимиз» деб номланди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** 102-махсус мактаб-интернатда тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ЎТГАН куни ўтказилган хайрия тадбири ва тарбияланувчилар томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

• **ТОШКЕНТ** тиббиёт академиясида «Ёшлар — гиёвандликка қарши» мавзуида тадбир ўтказилди.

• **РЕСПУБЛИКА** тиббиёт коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, фахрийлар иштирокида ўтказилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан*

## САМАРҚАНДНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

**ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ҚАДИМИЙ БЕШИКЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН ЮРТИМИЗДА ЎТМИШДА СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ВА ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТГАН КЎПЛАБ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНГАН. САМАРҚАНД АНА ШУНДАЙ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРДАН БИРИДИР.**

Самарқанд шаҳрининг инсоният цивилизацияси тараққиёти тарихида тутган ўрнига бағишланган халқаро илмий симпозиумнинг очилишида шу алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу илмий анжуманда мамлакатимиздан ташқари Австрия, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Япония, Франция, Россия, Қозоғистон, Хитой, Швейцария, Миср сингари кўплаб давлатлардан ҳам етакчи археолог, тарихчи, шарқшунос, манбашунос олим ва мутахассислар иштирок этмокда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда бой ва бетакрор тарихимизни асл ҳолича ўрганиш, улуғ алломаларимиз қолдирган бебаҳо меросни кўз қорачиғидай асраш ва келгуси авлодларга мукаммал ҳолда етказишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг фаол иштирокида кенг миқёсда нишонланаётган қадимий шаҳарларимизнинг юбилей тадбирлари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон илм-маърифат доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилда яна иккита ана шундай улкан сана — дунёнинг энг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бўлган Самарқанднинг 2750 ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш асносида шаҳарда кенг кўламли қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Шоҳизинда мажмуидан Бибихоним мақбарасигача бўлган ҳудудда сўлим хиёбон барпо этилди. Сиёб деҳқон бозори жаҳон андозалари асосида таъмирланди. Айни пайтда Оқсарой ва Бибихоним мақбаралари, Тиллақори мадрасасида таъмирлаш ишлари давом этаётир. Шаҳар атрофи ва ички йўналишларда замонавий йўллар қурилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ — МИЛЛАТЛАРАРО МУСТАҲКАМ КЎПРИК

Қоҳира яқинида барпо этилган «Самарқанд воҳаси» боғида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг 2006 йилдаги фаолиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ушбу мамлакатнинг расмий идоралари, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари, дипломатия корпуси вакиллари ҳамда журналистлар, шунингдек, Эҳромлар мамлакати олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг 2006 йилдаги фаолияти натижалари, унинг нафақат республикамизда, балки дунё миқёсида ўзбек маданияти ва санъатини ривожлантиришда тутаётган ўрни ҳақидаги атрофлича маълумотлар тақдимот қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Сўзга чиққанлар 2004 йилда ташкил этилган мазкур жамғарма ўтган давр мобайнида ўзбек маданиятини жаҳонга олиб чиқувчи ўзига хос бир восита сифатида намоён этаётганини таъкидлашди. Бугунги кунга келиб жамғарма ваколатхоналари Москва, Париж, Токио, Пекин шаҳарларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидаги ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон халқ амалий санъатини, унинг бой маданий салоҳиятини, мамлакатимизнинг санъат саҳнасида эришган ва эришаётган турли ютуқларини халқаро кўргазмалар, конференциялар, анжуманлар ва давра суҳбатлари воситасида муносиб равишда дунё жамоатчилиги эътиборига ҳавола этмокда.

Миср маданият вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Иброҳим тадбирнинг «Самарқанд воҳаси» номли боғда ўтказилгани тақдимот маросимига ўзига хос файз бағишлаганини таъкидлар экан, ушбу жамғарманинг фаолиятини юқори баҳолади.

— Мисрда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фаолиятини янада жадаллаштириш ўзбек классик ва замонавий санъатини араб оламига бундан ҳам кенг тарғиб этиш имконини беради, — деди Анвар Иброҳим. — Ўзбекистон маданиятига бағишланган тадбирларнинг мунтазам ўтказиб борилиши халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. Бинобарин, маданият ва санъат миллатлар ўртасидаги мустаҳкам кўприкдир.

**«Жаҳон» АА**
**Қоҳира**

# Оила даврасида

Бир пайтлар борди-келдилар, оқибат кўрсатишлар жуда жойида бўлган. Одамлар кўпгина юмушларига улгуришар, бундан ташқари, қариндош-уруғлик ришталари жуда мустаҳкам, жигарлар бир-бирларига жуда оқибатли эканлар.

Бугун эса баъзида кўчада кетаётиб, анча вақтдан бери кўрмай юрган танишимизни кўриб ҳам, ўзимизни кўрмасликка олиб ўтиб кетамиз, узоқ вақтдан бери кўзи йўлимизга тўрт, бир оғиз ширин сўзимиз-у бир чимдимгина меҳримизга зор яқинларимизни йўқлай олмаймиз (аслида бунга имкониятимиз бўлса ҳам), рўзғор, турмуш ташвишларидан чарчаган, биргина таскинимиз, руҳий мададимизга муҳтож қўшни ҳолидан ҳам хабар олмаймиз (Ҳадису шарифларда эса: «Қўшни ҳақи, қариндош ҳақи» деган нарсалар ҳам бор) Нимага ишонамиз? Қаерга шошамиз? Айтилмаган ширин гаплар, кўрсатилмай қолган оқибатлар учун вақт ҳеч қачон орқага қайтмайдику!!! Унда нимага шошамиз? Бизда қон-қариндошлик шажарасининг бошида турувчи ота деган буюк зот бор, барча жигарларни бир-бирига кўринмас мустаҳкам ришталар орқали боғловчи. Ота уйи деган илоҳий, муқаддас маскан бор. Бу масканда таваллуд топган «фариштадай бегуноҳ» ака-ука, опа-сингиллар (ҳаёт тақозосига кўра қизлар турмушга чиқиб кетадилар) айрим ҳолларда ака-укалар ҳам бўлак яшай бошлайдилар.

Нима учун ота-она бу дунёдан ўтгандан сўнг (айрим ҳолларда ҳатто улар тириклик чоғида ҳам) ота уйи деб аталмиш муқаддас масканда «бир майизни қирқ бўлиб еган, бир-бирининг шўхликларини, болалик инжиқликларини кўтарган, вақти келса ўз насибасини ҳам ўз укасига илинган ака ёки ўз синглисига илинган опа бир-бирини кўрарга кўзи йўқ, бир парча ер, мерос учун иймонини ютиб, виждондан кечиб, инсофни унутиб, бойликка, бир парча ерга эга бўлиш илинжида ўрталарига совуқчилик тушмоқда, улар ҳар қандай тубанликка тайёрлар. Мен бу гапларни айтиш билан ёнимизда, атрофимизда фақатгина шундай одамлар яшаяпти деган фикрдан йироқман, лекин меҳр-оқибатсизлар сони ортиб бораётгани изтиробга солмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А.Ориповнинг ушбу сатрларини келтиришни жоиз топдим:

**Инсонлик рутбаси нечоғ муҳташам,**
**Елкада элтамиз ҳаммасини ҳам.**
**Бироқ ечолмадим мен бу саволни,**
**Шарҳлай ололмадим сира бир ҳолни.**
**Инсонда ҳам бўлмиш не-не туйғулар,**
**Улар ҳам туғилар, яшар ва ўлар.**
**Нечун туйғу ўлса очилмас аза.**
**Нечун очилмайди унга жаноза?...**
**Меҳрсиз қолса ҳам катта-кичик жим**
**Гўё эшитмаган бу гапни ҳеч ким...**

Юқорида тилга олганларимиз сизнинг, бизнинг атрофимизда қариндош-уруғимизда, қўшнимизда, баъзан бизнинг хонадонимизда (Аллоҳнинг ўзи асрасин) содир бўляпти. Бунга сабаб нима? Уларнинг илдизини қаердан қидирмоқ лозим? Сабаби—тўқликка шўхликми? Қон-қариндошлик ришталарига путур етишими? Меҳр-оқибатнинг касодга учрашими? Ўзимиз меҳр бермаётган, меҳр бера олмаётган, баъзан меҳр беришни хоҳламаётган фарзандларимиздан бизга «қайтар дунё»ми? Ўз қобиғимизга ўралиб олиб, бойлик кетидан қувишимиз натижасида кундан-кун қон-қонимизга сингиб бораётган бағритошлик, худбинликми? Бу кетишда қаерга борамиз? Бизни қандай ном билан атайдилар?!

Бу нарсани ёзишимга куни кеча бир танишим билан бўлган суҳбат сабаб бўлди...

—Ўзинг биласан, биз оилада 3 ўғил, 4 қиз эдик. Бир акам чиқиб кетгач ҳовлида энг кичик акам қолган ҳовлимиз катта бўлгани сабаб бу ерда 2 оила бемалол яшаса бўлади.Онам вафот этганларидан сўнг синглим турмушидан ажраб, бир қизи билан ота уйига қайтиб келди. Отам кўзи тириклигида уйнинг ярмини синглим номига расмийлаштириб бердилар. Ота тириклигида бинойидек яшаб турган ака-сингил ўртасида кейинчалик аввалига даҳанаки жанглар, сўнгра эса ҳозирги кунда юзкўрмасликкача олиб келган оқибатсизликлар бошланди. Икки ўртада биз қизлар акамнинг уйига «оёқ босмайдиган», ўз ота уйимизга эса кеч тушиб, қоронғи бўлгач ўғринча бориб келадиган бўлдик. Ҳамма жанжал 2-3 метр ер устида. Акам ўртани бекитиб ташлаб, синглим девор ошиб, уйига кириб чиқиб юрди.

Ўртада ишлар судга тушди, орага маҳалла аралашди, нуфузли кишиларнинг аралашуви ҳам уларнинг жанжалига якун ясай олмади.

Бу машмашалар оз эмас, нақ 10 йилдан бери давом этмоқда... Танишимнинг юзини ювиб тушаётган шашқатор ёшларни кўриб, бир зум тилим ҳам айланмай қолди. Уни қандай юпатишга, унга қандай таскин беришга бошим қотди. Бундай вақтда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз? Ахир бу дунёда ҳамма нарса омонат эканлигини айримлар наҳот англаб етмасалар?! Ҳадису шарифларда «Сийлаи раҳм» деган тушунча бор-ку!!! Наҳот ўша ака бир тантилик, мардлик қилиб, ўша 3 метргина жойнинг баҳридан ўта қолмайди, ахир ҳеч ким у дунёга ҳеч нарса орқалаб кетмайди-ку!

Танишим билан хайрлашар эканман, худди бизнинг суҳбатимизни тинглаб тургандек, яқин атрофдан бир ҳофизнинг қўшиғи янграй бошлади:

**Дунё ўтиб кетар дема, бизлар ўтиб кетамиз,**
**Бир нафаслик қисқа йўлни зумда босиб ўтамиз.**
**Капалакка ўхшар Инсон, ўхшар умри ҳам инон,**
**Қайси номни қолдирай деб, қандай йўлни тутамиз.**

**Гулчеҳра КАРИМОВА**

*Мулоҳаза*

## МЕҲР ҚОЛУР...

**ҲАР БИР ИНСОННИНГ ТАРБИЯЛИ, ИНСОФЛИ, МЕҲР-МУҲАББАТЛИ, САХОВАТЛИ, ҲАЛОЛ, РОСТГЎЙ, ТЎҒРИСЎЗ, АДОЛАТЛИ, САБР-ҚАНОАТЛИ БЎЛГАНИГА НИМА ЕТСИН. ИЙМОН-ЭЪТИҚОДЛИ, ДИЁНАТЛИ, ИНСОФЛИ ИНСОНЛАР БИРОВНИНГ ДИЛИГА ОЗОР ЕТКАЗИШНИ ВА РАНЖИТИШНИ ГУНОҲИ АЗИМ ДЕБ БИЛАДИ. ШУНИНГ УЧУН ЎЗИ МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ИНСОНЛАРДА ИЛИҚ ТААССУРОТ ҚОЛДИРАДИ.**

## ИНСОФ САРИ БАРАКА

Ўзбек халқ мақоллари орасида инсоф ва инсофсизлик ҳақида терилган талайгина сўз дурлари бор: «Инсофи борнинг баракаси бор», «Инсофи йўқнинг иймони йўқ», «Инсофли ошини ер, инсофсиз бошини», «Ноинсофга эрк берсанг элни талар», «Ўғри бўл, қароқчи бўл, инсофли бўл».

Боболаримиз: «Ёмон сўзласанг, ёмон сўз эшитасан, ота-онанинг ва катталарнинг насиҳатларига кирмасанг, кейин пушаймон бўласан, ноинсоф бўлсанг, қариндош-уруғ ва яқинларингни ўзингдан бездирасан», деганлар. Инсонийлик, одамийлик жуда мўътабар сўз ва улуғ фазилат. Шу фазилат асосини унинг инсофли экани ташкил этади.

Бекатда автобус кутиб турган вақтимда кичик бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Мен билан ёнма-ён турган йўловчи қўл кўтариб ўткинчи «Жигули» машинасини тўхтатди.

—Кўкчага элтиб қўя оласизми?

—Қанча тўлайсиз?

—Саккиз юз сўм.

—Минг сўм қилиб берасиз!

—Ўзи беш юз сўмлик йўл, вақт кеч бўлгани учун саккиз юз сўм деяпман.

—Бўлмайди яна икки юз қўшасиз!

Йўловчи машина эшигини ёпди. Ҳайдовчи эшикни очиб сўз қотди:

—Майли, чиқа қолинг.

—Йўлингиздан қолманг.

—Ўтирақолинг, деяпман.

—Энди ўтирмайман.

—Нега?

—Инсофсиз ва очкўз одамнинг машинасида кетишни истамайман!

Пешонаси тиришган ҳайдовчи машина эшигини зарб билан ёпиб, йўлида давом этди. Назаримда, йўловчининг айтган сўнгги сўзи ҳайдовчига тарсаки тортиб юборгандан ҳам ёмон таъсир қилди. Хаёлимдан шу воқеа сабаб бўлиб ҳайдовчи зора инсоф сари қадам қўйса, деган фикр ўтди.

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ**

*Қатралар*

## ЎЗАГИГА ҚАРАШ КЕРАК

Ҳовлида иш билан банд эдим. Ичкаридан бувим чақиргандек бўлдилар.

—Тинчликми, нима хизмат?—сўрадим уй эшигини қия очиб.

—Кеча олиб келган туршагингдан озроқ қайнатувдим. Ичиб кўрсам тахирроқ. Ё оғзимнинг ўзи тахирмикан- а? Ичиб кўр.—Косани қўлимга тутқаздилар бувим. Ҳўпласам таъми худди айтганларидек. Бир дона ивиган туршакни чайнаганим сари тахири баттарроқ билинди. Юрагимда уйғонган бир ёқимсиз хис таъсириданми, чақиб данагини ҳам тотиб кўрдим.—Бай, бай, бай, заҳар экан-а,—дея зўрға чайнайман. Тахирликнинг боиси данагида экан. Ҳа, туршакнинг ичида экан,—дейман бувимга ҳам эшиттириб.

— Энди эҳтиёт бўл, болам. Ёмоннинг балоси ичида, деб бежиз айтишмаган.

— Энди бозордан туршак олсам, устки чиройига учмай данагини ҳам тотиб кўраман,—дея бувимни хотиржам қилдим.

## КЎПДАН АЖРАБ...

Машина йўлда елдек еларкан, мотор севинчидан қизишиб сувлари қайнайди.

— Мен турганда балон, педалнинг хизмати учқунчалик,—дейди мотор.

Гоҳ текис, гоҳ ғадир-будир йўлларда эзилиб юраётган балонга моторнинг сўзи ўлганнинг устига тепгандек бўлди.

— Аҳволингни кўрамиз,—дейди балон ва «писиллаб» букчаяди.

Машина олдинга жилолмай тўхтайди. Моторнинг авзои бузуқ. Жаҳл-ла заҳар тутинини буркситиб тариллайди. Борлиқни ларзага солгани билан кошки эди, машина олдинга силжиса...

Ерга қапишиб ётган эски балон ўрнига ишга ўтган янгиси юрагини бўшатади:

— Кўп бурқсийверманг, ўртоқжон, тўғри, сиз ҳам кераксиз.

Биз ҳушёр бўлиб турмасак оёққа — биздан ажралиб борардингиз қаёққа?!

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



*Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплаб илтимосларига мувофиқ бутун май ва 1,2,3 июнь кунлари соат 12.00, 15.00да цирк манежида «Ҳайвонлар карнавали» дастурининг намойиши давом этади.*

***Болалар ва катталар, шошилинг, шошилинг!!!***

Томошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.





Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда ижарага бераман. Телефон: 157-62-48, 332-64-65.

**«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти бошқарув аппаратига ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади.

Ҳар ойда бажарган ишига қараб, ўртача 250-300 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун қўйиладиган талаблар:

— олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

— компьютердаги мавжуд дастурларда мукаммал ишлай оладиган ҳамда мустақил равишда дастурлар тузиш қобилиятига эга бўлиши;

— Ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларни билиши керак;

— танлов комиссиясига тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. (Главпочтамт биноси).

**Мурожаат учун телефон: 137-49-51.**

## ДУШАНБА, 28

**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 10.50, 13.00, 14.15, 17.10, 19.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 4.30 ТВ анонс.
8.50, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос.
9.00 «Фобия».
9.50 «Қизил гул». М/ф.
10.30, 00.15 «Одами эрсанг».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.10 «Самарқанд – 2750».
11.15 «Регистон».
11.30 «Шахсий фикр».
12.05, 4.55 «Минг бир ривоят».
12.10, 13.05 «Алла». Спектакль.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Мозий сирлари».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20, 23.55 «Қандай гўзал бу дунё».
17.35, 2.00 «Марғилон – 2000».
17.40 «Аёл ва жамият».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Илмга бахшида умр».
18.40 «Ошин».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
21.40, 00.35 «Муқаддас қадамжолар».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.00, 5.05 Сериал «Бобур».
23.35 Тунги наволар.
1.40 «Чемпион сирлари».
2.05 «Пири коинот». Спектакль.
4.35 «Икки дарё оралиғида».
5.40 Тонгги наволар.

**«Ёшлар»**

16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.15 «Ватаним!».
16.20 «Малика – 2007».
16.30 «Хазина».
16.45 «Тараққиёт сари».
17.05 «Journal».
17.25, 20.30 «UzEX хабарлари».
17.30 «Мўъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида».
18.20 «Давр мавзуси».
18.35 «Ғазал мулки».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.30 «Қор алангаси». Сериал.
20.10 «Якшанба нонуштаси».
20.40 Эълонлар.
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Гул ифори». Сериал.

**«Тошкент»**

17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Музыка SMS».
19.50 «Будьте здоровы».
20.15, 21.45 «ТВ юрист».
20.20 Мир животных: «Охота на охотника».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Аёл калби».
22.50 Кино «Громобой».

**«Спорт»**

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00 «Талкин».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия».
10.30 «АвтоГРАФ».
10.50 Художественная гимнастика. Гран-при.
18.00 «Детский спорт».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Универсиада - 2007».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Моя девушка». Сериал.
20.20 «Спорт-моя жизнь».
21.05 Футбольное обозрение.
21.50 «Кальциевый парень». Х/ф.
23.15 Теннис. Открытый чемпионат Франции.

**Первый канал»**

4.00 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.40 Новости.
8.05 «Малахов+».
9.00 «Агент национальной безопасности». Сериал.
10.05 «Поле чудес».
11.15 «Понять. Простить».
11.40 «Лолита. Без комплексов».
12.30 «Детективы».
13.25 «Контрольная закупка».
14.15 «Три товарища».
14.50 «Любовь как любовь». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.15 «Жди меня».
18.05 «Татьянин день». Сериал.
18.55 «Чужие тайны». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Свой-чужой». Сериал.
21.30 «Михаил Евдокимов. Последние 24 часа»
22.35 «Про это, про поэта и про Лилю Брик».
23.55 Комедия «Элвис вышел из здания».
1.25, 2.30 Комедия «Целуя Джессику Стейн».
3.30 «Тихий дом».

**«Россия»**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
8.00 «Валентина Леонтьева: сказка и быль».
8.45, 12.40, 3.40 Вести. Дежурная часть.
9.00 «Частная жизнь».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.20, 15.40, 19.45 Местное время. Вести-Москва.
10.55 Фильм «Над Тиссой».
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
16.10 Телесериал «Неотложка».
17.05 «Танго втроем». Телесериал.
18.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 Телесериал «Под Большой Медведицей».
22.10 «Мой серебряный шар. Александр Ширвиндт».
23.15 «Вести+».
23.35 «Очевидное-невероятное».
00.05 «Синемания».
00.40 «Дорожный патруль».
00.50 Фильм «Каскадеры».
2.20 Канал «Евроньюс».

**«НТВ»**

5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Следствие вели...».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
10.00 «Кулинарный поединок».
11.00 «Квартирный вопрос».
12.25 Сериал «Адвокат».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 00.45 Сериал «Возвращение Мухтара-2».
18.40 Сериал «Ментовские войны-3».
19.40 Сериал «Погоня за ангелом».
20.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-7».
22.10 Сериал «Бригада».
23.15 «Школа злословия».
00.10 «Победившие смерть». Док. сериал.
2.30 «Криминальная Россия».
3.20 Фильм «Кутузов».

**«СТС»**

7.00 «Самурай Икс». М/ф.
7.20 «Полиция будущего». М/ф.
7.45 «Квартет». М/ф/.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей». М/ф.
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериал.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 20.00 Комедия «Сваха».
11.30 Комедия «Дедушка моей мечты».
12.30, 24.00 «Безмолвный свидетель». Детектив.
13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериал.
14.30 «Экстремальная команда». М/ф.
15.30 «Пиноккио». М/ф.
16.00 «Тутенштейн». М/ф.
16.30 «Том и Джерри». М/ф.
17.00 Комедия «Сабрина - маленькая ведьма».
17.30 «Галилео».
19.00 «Кадетство». Сериал.
22.00 Кино «Пуленепробиваемый».
1.30 «Нострадамус». Док. фильм.
2.20 Комедия «Непредсказуемая Сьюзан».
2.45 Комедия «Тесная компания».
3.05 «Новая Жанна д'Арк». Сериал.
4.30 «Миссия ясновидения». Сериал.
5.15 «Настоящие дикари». Сериал.
5.35 Музыка на СТС.

**«ТВ-3»**

7.00 Победоносный голос.
7.30 М/с «Люди Икс».
8.00 М/с «Приключения Марко и Джины».
8.30, 14.30 М/с «Аргай».
9.00 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Слишком красивая для тебя».
12.00 Х/ф «Двуличие».
14.00 Сериал «Новые приключения Лэсси».
15.00 Х/ф «Возвращение Мартина Герра».
17.15 Х/ф «Огонь на поражение».
19.30 Киномания.
20.00 Х/ф «Макбет».
22.00 Х/ф «Обман».
24.00 Сериал «Невада».
1.00 Х/ф «Проклятый сезон».
3.15 Х/ф «Доллар за убийство».
5.00 Сериал «Шпионка».
6.00 Relaks.

## СЕШАНБА, 29

**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот».
8.35, 10.15, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 17.40, 20.00, 21.35, 22.45, 23.55, 3.10, 4.30 ТВ анонс.
8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «23,5 даража бурчак остида».
9.15 «Ўйла, Изла, Топ!». «Кундуз амакининг қиссалари». М/с.
10.20 «Илмга бахшида умр».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55, 00.50 «Самарқанд – 2750».
12.10 «Бурчмуллада баҳор».
12.15 «Рангин дунё».
12.35 «КиноТеатр».
13.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.05 «Аёл ва жамият».
16.25 «Мозий сирлари».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 ИИВ хабарлари.
17.45 «Марғилон – 2000».
17.50 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Агар Сиз».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.00, 5.05 Сериал «Бобур».
23.40 Тунги наволар.
24.00 «KINOMANIYA».
00.30 «Истеъдод».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Бойсун».
3.15 «Назм ва наво».
4.35 «Икки дарё оралиғида».
4.55 «Минг бир ривоят».
5.45 Тонгги наволар.

**«Ёшлар»**

7.00, 15.00 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.40 Эълонлар.
9.20, 20.50 «Зерда». Сериал.
9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.15, 16.15 «Ватаним!».
10.20 «Галактика» туркуми: «Ёруғлик нима?».
11.10, 18.35 «Ғазал мулки».
11.30 «Интерфутбол».
13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Қадимги Искандария».
14.15, 19.30 «Қор алангаси». Сериал.
14.50 «Нафосат олами».
16.20 «Малика – 2007».
16.30 «Ватанпарвар».
17.30 «Мўъжизавий дунё» туркуми: «Болаларга жониворлар ҳақида».
18.20 «Тасвир ва таассурот».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
20.35 «Мафтункор ва бетакрор!».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Гул ифори». Сериал.

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.55, 11.00, 11.50, 18.25, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Аёл калби».
9.50, 11.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
10.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30, 19.30 «Музыка SMS».
10.50, 20.50 «Интервью».
11.05 «Будьте здоровы».
11.15 «Всё о туризме».
11.55 Кино «Громовой».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Химоя».
20.20 Мир животных: «Охота на охотника».
21.00 «Жозиба».
22.10 «По залам Музея истории Узбекистана».
22.50 Кино «Великолепный».

**«Спорт»**

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 9.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективы».
10.10 Кураш. Республиканский турнир.
10.30 Футбол. Чемпионат Узбекистана.
11.20 Художественная гимнастика. Гран-при.
18.00 «Детский спорт».
18.15 Мультфильм.
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Футбол мундиал».
20.00 «Моя девушка». Сериал.
20.50 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
21.50 «Как бы не влюбиться». Х/ф.
23.10 Еврофутбол. Чемпионат Испании.

**«Первый канал»**

4.00 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.40 Новости.
8.05 «Малахов+».
9.00 «Агент национальной безопасности». Сериал.
10.05, 18.55 «Чужие тайны». Сериал.
11.15 «Понять. Простить».
11.40 «Лолита. Без комплексов».
12.30 «Детективы».
13.25 «Контрольная закупка».
14.15 Вне закона.
14.50 «Любовь как любовь». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.15 «Пусть говорят».
18.00 «Татьянин день». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Свой-чужой». Сериал.
21.30 «Любящие мужья многодетных матерей».
22.35 «Про это, про поэта и про Лилю Брик».
24.00, 2.30 Фильм «Амистад»
3.05 Фильм «Дьяволы Тасмании».

**«Россия»**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Советская империя. Народный автомобиль».
8.45, 12.40 Вести. Дежурная часть.
9.00 «Частная жизнь».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.20, 15.40, 19.45 Местное время. Вести-Москва.
10.50, 20.15 Телесериал «Под Большой Медведицей».
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
16.10 Телесериал «Неотложка».
17.05 «Танго втроем». Телесериал.
18.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
22.15 «Народный маркиз. Игорь Дмитриев».
23.15 «Вести+».
23.35 Детектив «Сыскное бюро «Феликс».
1.25 «Дорожный патруль».
1.45 Сериал «Закон и порядок».
2.30 Телесериал «Сияние».
3.15 Канал «Евроньюс».

**«НТВ»**

5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.45 «Сегодня».
9.25 «Чистосердечное признание».
10.00 «Две правды».
10.55 Сериал «Дальнобойщики-2».
12.25, 3.10 Сериал «Мур есть Мур».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 00.50 Сериал «Возвращение Мухтара-2».
18.40 Сериал «Ментовские войны-3».
19.40 Сериал «Погоня за ангелом».
20.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-7».
22.10 Сериал «Бригада».
23.15 «Top gear».
23.45 «Кабаре сто звезд».
2.35 «Криминальная Россия».

**«СТС»**

7.00 «Полиция будущего». М/ф.
7.45 «Олень и волк». М/ф.
7.55, 15.00 «Смешарики». М/ф.
8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей». М/ф.
8.30, 10.30, 18.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Дочки-матери». Сериал.
10.00, 20.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 20.00 Комедия «Сваха».
11.30 Комедия «Дедушка моей мечты».
12.30, 24.00 «Безмолвный свидетель». Детектив.
13.30 «Дорогая Маша Березина». Сериал.
14.30 «Экстремальная команда». М/ф.
15.30 «Пиноккио». М/ф.
16.00 «Тутенштейн». М/ф.
16.30 «Том и Джерри». М/ф.
17.00 Комедия «Сабрина - маленькая ведьма».
17.30 «Галилео».
19.00 «Кадетство». Сериал.
22.00 Кино «Кровососы».
1.30 «Нострадамус». Док. фильм.
2.30 «Осторожно, Задов! Или похождения прапорщика». Комедия-фарс.
3.15 «Новая Жанна д'Арк». Сериал.
4.40 «Миссия ясновидения». Сериал.
5.25 «Настоящие дикари». Сериал.
5.45 Музыка на СТС.

**«ТВ-3»**

7.00 Победоносный голос.
7.30 М/с «Люди Икс».
8.00 М/с «Приключения Марко и Джины».
8.30, 14.30 М/с «Аргай».
9.00 Российские мультфильмы.
10.00 Х/ф «Храбрых сердцем не сломить».
12.00 Х/ф «Макбет».
14.00 Сериал «Новые приключения Лэсси».
15.00 Х/ф «Мой папа - герой».
17.15 Х/ф «Мгновение ока».
19.30 Киномания.
20.00 Х/ф «Укрощение строптивой».
22.00 Х/ф «Две жизни».
24.00 Сериал «Невада».
1.00 Х/ф «Правила секса».
3.00 Х/ф «Считанные секунды».
5.00 Сериал «Шпионка».
6.00 Relaks.

## ЧОРШАНБА, 30

**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 19.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 3.50, 4.30 ТВ анонс.
8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос.
8.45 «23,5 даража бурчак остида».
9.10 «Олтин тож». «Кундуз амакининг қиссалари». М/с.
10.05 «Муқаддас даргоҳ».
10.25 ИИВ хабарлари.

*(Давоми 4-бетда)*

